



## Structure of a sample training session and modern requirements for it

Alisher ERNAZAROV<sup>1</sup>

Samarkand State University

### ARTICLE INFO

**Article history:**

Received August 2023

Received in revised form

15 September 2023

Accepted 25 September 2023

Available online

15 October 2023

**Keywords:**

educational process,  
lesson training,  
structure of educational  
training, training elements,  
training type,  
training types,  
modern requirements.

### ABSTRACT

The structure of training, elements of training, type of training, type of training, teaching methodology, and modern requirements for training are mentioned.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss8/S-pp392-400>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

## Ўқув машғулотининг намунавий тузилиши ва унга қўйиладиган замонавий талаблар

### АННОТАЦИЯ

**Калит сўзлар:**

таълим жараёни,  
дарс машғулоти,  
ўқув машғулотининг  
тузилиши,  
машғулот элементлари,  
машғулот типи,  
машғулот турлари,  
замонавий талаблар.

Мазкур мақолада муаллиф томонидан ўқув машғулотининг тузилиши, ўқув машғулоти элементлари, ўқув машғулоти типи, дарс методикаси, ўқув машғулотига қўйиладиган замонавий талаблар ҳақида маълумотлар берилган.

<sup>1</sup> Head of Department of Information Technologies, Samarkand Institute of Economics and Service, independent researcher (PhD), Samarkand State University.

## Типовая структура тренинга и современные требования к нему

### АННОТАЦИЯ

**Ключевые слова:**

учебный процесс,  
урок-тренинг,  
структура тренинга,  
элементы тренинга,  
тип тренинга,  
виды тренинга,  
современные требования.

В данной статье автор представляет информацию о структуре тренинга, элементах тренинга, типе тренинга, методике проведения занятий, современных требованиях к тренингу.

Ўқув машғулоти, ўқув жараёнини ташкил этишнинг мураккаб шакли бўлиб бу педагогдан машғулотни ўтказиш жараёнида катта масъулият, уни режалаштиришда ижодий ёндашувни талаб этади. Бунда вақтни тўғри тақсимлаш, таълим олувчиларнинг ишлашида ҳар бир машғулот қисмини, шахсий таълим бериш фаолиятини назорат қилиш муҳим ҳисобланади.

Комбинациялашган машғулот қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- ✓ ташкилий;
- ✓ уй вазифасини текшириш босқичи;
- ✓ билимларни ҳар томонлама текшириш босқичи;
- ✓ билимларни долзарблаштириш;
- ✓ янги билимларни ўзлаштириш ва билимларни мустаҳкамлаш машғулотлари;
- ✓ уй вазифасини бажариш бўйича кўрсатма;
- ✓ ўқув машғулотида яқун яшаш, рефлексия босқичи.

Ташкилий босқич: жуда қисқа вақтли, машғулотнинг барча психологик кайфиятини аниқлайди. Саломлашиш, педагогнинг ширин сўзи, тинч, ишонч одати мазкур босқич вазифаларини бажаришнинг шартли ҳисобланади. Таълим олувчиларнинг субъект тажрибасини фаоллаштириш босқичи уларнинг мотивациясини ва ҳамкорликда фаолиятга киришишни таъминлайди. Бу босқичда баъзан чегараланидиган билим ва кўникмаларни долзарблаштириш етарли эмас. Киши англаган ҳолда фақат шахсий мазмун эгаллайдиган билимларнигина ўзлаштиради.

Уй вазифаси деярли ҳар бир машғулотда берилади, лекин баъзан бу босқич фақат нимани бажариш керак деган ахборотлар билан чегараланиб қолади. Лекин, уни бажариш тўғрисида албатта ахборот бўлиши лозим. Бу педагог ўзи уй вазифасини бажариш тартибини сўзлаб бериши керак дегани эмас. Таълим олувчилар билан биргаликда уни бажариш режаси, керакли тушунтиришлар ҳам бўлиши лозим. Бу босқичнинг йўқлиги уй вазифасини бажаришда, билимлардаги камчиликда, ўзлаштирамасликдаги муаммоларга олиб келади. Баъзан вақтнинг етишмаслигидан, машғулотнинг тўғри режалаштирмаглигидан охирги иккита босқич тушиб қолади: яқун яшаш ва рефлексия. Лекин улар ҳам муҳим психологик аҳамиятга эга. Таълим олувчи натижаларини баҳолаш, кейинги ишларда, ютуқларни исботлашда, ижобий эмоционал кайфиятни яратишда стимул бўлиб хизмат қилади. Рефлексия ҳам таълим олувчиларнинг эмоционал доирасини ривожлантиришга, ҳамкорлик принципларини ўзлаштиришга имкон беради.

Ўқув машғулоти тузилиши ва уни ўтказиш методикаси ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида ҳал этиладиган дидактик мақсад ва вазифаларга боғлиқ. Ўқитишнинг кўп учрайдиган метод ва воситаларига боғлиқ ҳолда у ёки бу ўқув машғулоти типи бир қанча турларга эга бўлиши мумкин. Ўқув машғулоти тузилиши, турли вариантларда ўқув машғулотининг яхлитлиги ва тўлиқлигини таъминловчи ўқув машғулоти элементлари йиғиндисидир.

### Машғулотнинг намунали тузилиш элементлари

№	Машғулотни ташкил этиш	Вақти (дақиқа)	Машғулотда амалга ошириладиган ишлар
1.	Машғулот бошланишини ташкил этиш.	2	Таълим оловчиларнинг диққатини ўқув машғулотиغا тортиш, уларни қизиқтириш, уларга мавзунини эълон қилиш ва мақсадини айтиш.
2.	Уй вазифасини текшириш.	3	Олдинги мавзу ўқув материални ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш. Таълим оловчиларни янги ахборотларни қабул қилишга тайёрлаш.
3.	Асосий қисм.	20	Янги материални ўрганиш. Таълим оловчиларнинг ўзларини жалб этган ҳолда илмий, қизиқтирадиган янги материалларни баён этиш.
4.	Билимларни дастлабки мустаҳкамлаш.	5	Янги материални тушунтириб бўлгандан кейин, билимларни қўллаш ва кўникмаларни ишлаб чиқишга йўналтирилган махсус топшириқлардан фойдаланиш.
5.	Кейинги назорат билан таълим оловчиларнинг мустақил иши.	10	Мустақил ишларни назорат қилиш ва баҳолаш.
6.	Машғулотга яқун ясаш.	2	Машғулотда таълим оловчилар нимани ўрганганлигини, ўзи учун нима янги ва фойдали нарсаларни билганлиги, билимларни баҳолашни асослашини аниқлаш.
7.	Уй вазифаси ҳақида ахборот.	2	Уй вазифасини эълон қилиш ва уни бажариш усуллари тушунтириш.

Ўқув-тарбиявий жараёни ташкил этиш унинг иштирокчиларига қатор талабларни қўяди: машғулотга қўйиладиган дастурли-методик талабларни аниқ ва ижодий бажариш, машғулот типи, унинг курс бўлимидаги ўрни, курслараро алоқа тизимини, ҳар бир машғулотнинг хусусиятини саводлилиқ билан аниқлаш; таълим оловчиларнинг аниқ ўқув имкониятларини, тарбияланганлик даражасини, гуруҳ жамоасининг шаклланганлик даражасини, қизиқишлари, интилишлари, эҳтиёжлари, билимлардаги камчиликларни бартараф этишга мақсадли йўналтирилганликни ҳисобга олиш; таълим вазифаларини биргаликда ўйлаш ва ечиш (билим, кўникма, малакаларни, билиш қобилиятларини, мустақил таълимга тайёргарлигини шакллантириш), тарбиялаш (дунёқараш, фаол ҳаёт позицияси, тўғри интизом ва мулоқат тажрибаси, шахсий сифатларни, ўз-ўзини тарбиялаш ва психик ривожлантиришни шакллантириш), интеллект, диққат, қабул қилиш, хотира, фикрлаш, ўйлаш, нутқ, эркинликни ривожлантириш, машғулотнинг энг асосий вазифаларини ажратиш, жамоанинг хусусиятлари ва имкониятларини инобатга олиб, уларни аниқлаштириш; қўйилган вазифаларни муваффақиятли ечишни ва машғулот вақтидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган машғулот тузилишини ва ўтказиш темпини танлаш; таълим оловчиларнинг

диққатини муҳим илмий тушунчаларни, назарий тартибларни, қонуниятларни, дунёқараш, ўқув материалнинг тарбиявий ғояларини, ўқитиш мазмунида асосийларни ажратишни, машғулот мазмунини ҳаёт билан, жамият эҳтиёжлари билан, таълим олувчиларнинг шахсий ҳаёт тажрибаси ва қизиқишлари билан чамбарчас алоқасини таъминлаш; ўқув жараёнининг амалий, касбга йўналтирилганлигини, таълим олувчиларнинг олган билим, кўникма ва малакаларини қўллашнинг аниқ имкониятларини яратишни таъминлаш; фаол методлар, интенсив ўқитиш, машғулотларда ўқитишнинг оғзаки, кўргазмали ва амалий, репродуктив ҳамда муаммоли-изланишли методларидан, таълим олувчиларнинг мустақил ишлари ва педагог раҳбарлигидаги ишлар методларидан, таълим олувчиларда билишга қизиқиш уйғотиш, англашга муносабат, бурч ҳисси, жавобгарлик ва интизомлик методларидан фойдаланиш; машғулотда фронтал иш шакллари гуруҳли ва индивидуал тарзда олиб бориш, худди жамоавий фаолият тарзида ўқув меҳнатини ташкил этишга интилиш; таълим олувчиларга табақалашган ёндашиш; барча таълим олувчиларда ўзининг ўқув фаолиятига айланган ва фаол муносабатни, машғулотда ўқув меҳнатини самарали ташкил этиш кўникмаларини, машғулотда тарбиявий ва ривожлантирувчи имкониятлардан фойдаланишни, уларнинг билими, кўникмаси ва малакасини назорат қилиш ва баҳолашни шакллантириш; улар олувчи шахсига ҳурмат қилган ҳолда талабчанлик асосида муносабатда бўлиш; илмий-техник прогресс талабларига мос ҳолда ўқитишнинг кабинет тизимини ривожлантириш, ўқитишнинг турли воситаларидан (дарслик, қўлланмалар, ахборот воситалари) комплекс ҳолда самарали фойдаланиш; машғулотда ишлаш учун мақбул гигиеник ва эстетик шароитларга амал қилиш; вақтни ҳисобга олган ҳолда уй вазифаларининг мазмуни ва ҳажмини аниқлаш, бунда таълим олувчиларнинг толиқишига йўл қўймаслик, зарурий ҳолда уй вазифасини бажаришни тушунтириш; машғулот режасини аниқ тузиш, ўқув вазиятларининг ўзгаришига қараб, унинг боришини таъминлаш ҳамда таълим олувчиларнинг таълим, тарбия, ривожланиш натижаларини машғулотларда олинган таҳлил натижасида аниқлаш, уларни педагог вазифалари билан солиштириш, ютуқ ва камчиликларни аниқлаш, кейинги машғулотларни режалаштиришда ушбу таҳлил натажаларини ҳисобга олиш.

Дидактик талаблар: машғулотда асосий дидактик принципларни амалга ошириш: илмийлик, тизимлилик, кетма-кетлик, англашлик, фаоллик, таълим ва тарбиянинг бирлиги, назария ва амалиётнинг алоқаси, кўргазмалилик, билимларнинг мустаҳкамлиги, таълим олувчиларга индивидуал ёндашувни билиш ва бошқалар; машғулот мақсадини, унинг умумий ўқув машғулоти тизимидага аниқ ўрнини тўғри аниқлаш; машғулот мақсадлари ва фан дастурлари талабларига мос оптимал мазмунини аниқлаш; таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар; педагогнинг юқори таълим бериш маҳорати, ўқитишнинг метод ва усулларини ижодий қўллаши, замонавий дидактик техникани эгаллаш кўникмаси; машғулотда таълим олувчиларнинг юқори билиш фаоллигини, материални мустақил ўрганиш, муаммоли вазифаларни ечиш, ижодий характердаги топшириқларни бажаришини таъминлаши; машғулотда фронтал, гуруҳли ва индивидуал ишларнинг ўзаро алоқаси; турли мураккаблик даражасидаги дидактик материаллардан кенг фойдаланиш, ўқув материални ўзлаштиришга тайёргарлик даражасига мос ҳолда таълим олувчиларга табақалашган ёндашиш; машғулотда

таълим олувчилар фаолияти турларини самарали алмаштириб туриш; ўқитишдаги изчиллик (билим, кўникма ва илмий дунёқараш тизимини шакллантириш мақсадида фанлараро алоқани амалга ошириш асосида мазкур машғулотларни олдинчилари билан алоқасини таъминлаш); ўқув материалининг мазмуни, ҳажми ва тузилиши, таълим олувчиларнинг таянч билимларини, кўникма ва малакаларини шакллантиришни фаоллаштириш; янги материални баён этиш; материални мустақкамлаш; ўқитиш: ҳаммабоплик, муаммолилик, индивидуал ва табақалашган ёндашув, кўргазмалилик, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш, фанлараро алоқа; таълим бериш: таълим олувчини шахсий ривожлантириш борасида ишлаш, фаоллик, мустақиллик, ижодкорлик, изланиш, умумўқув кўникмалари, ўқув-билиш компетенциялари; назорат қилишнинг, таълим олувчилар билими ва кўникмаларини холисона баҳолашнинг самарали методларини қўллаш; назорат ва баҳолаш: уй вазифасини текшириш, жорий тескари алоқа, таълим олувчиларнинг ўқув ютуқлари, ўқув кўникма ва малакалари шакллантирилганлик даражасини ҳамда ўқув-билиш компетенцияларини баҳолаш.

Ташкилий талаблар: ўқув хонасини, ўқув машғулотини ўтказиш ишчи жойини тайёрлаш; аниқлик, ўқув машғулотида вақтдан самарали фойдаланиш; ишчанлик муҳитини яратиш; таълим олувчиларнинг интизоми; машғулотнинг мақсадига мос ўқитиш мазмуни, методлари тузилиши, вақтдан унумли фойдаланиш. Ўқув машғулотининг ўйланган тузилиши қуйидагича фарқланади: тўғри ташкил этилганлик, вақтдан самарали фойдаланиш, ўқув мақсадини аниқ қўйиш, ўқув машғулотининг мавзуси ва аниқ вазифаларини шакллантириш, ўқув машғулотини ўтказишнинг мақсади, мазмуни ва методларига мос тўғри тузилиш, ўқув машғулотида вазиятларга боғлиқ ҳолда таълим бериш инструментларидан (восита, усул ва технологиялар) фойдаланиш.

Тарбиявий талаблар: машғулотнинг тарбиявий вазифаларини қўйиш, ахлоқий-ғоявий йўналганликни таъминлаш; ўқитишнинг мазмуни ва методлари ўрнатилган тарбиявий имкониятларни амалга ошириш; таълим олувчи шахсининг мотивацион доирасига, таълимга бўлган ижобий муносабатини шакллантиришга, уларнинг мустақил ижодий қобилиятларини ривожлантиришга таъсир ўтказиш; таълим бериш тактига амал қилиш, таълим олувчи шахсини ҳурмат қилиш билан биргаликда педагогнинг юқори талабчанлигини ўрнатиш.

Психологик талаблар: машғулотнинг психик жараёнларни билишни ривожлантиришга йўналтирилганлиги: диққат, тасаввур этиш, хотира, фикрлаш, ўйлаш ва бошқалар; машғулотда таълим олувчиларнинг психик ҳолати ва психологик хусусиятларини ҳисобга олиш; таълим олувчилар диққатини ташкил эта олиши, уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини инобатга олиши, ўқув машғулотида ижобий эмоционал муҳитни яратиши; педагогнинг ўзини тутиши, унинг ўзига таълим олувчиларни жалб қила олиши, ўз-ўзини назорат қилиши, меҳрибонлиги, тўғрилиги; педагогнинг шайлиги ва эътиборлиги, ўз-ўзини мунтазам назорат қилиши, оптимистлиги, тетиклиги, ўз кайфиятини бошқара олиши; талабчанлиги, ҳурмат қилиши, ҳаққонийлиги, таълим олувчи шахсига ҳурмати, таълим бериш тактига амал қилиши; ҳар бир ўқув машғулоти ва ўқув предметларини ўрганиш чегарасида ҳар бир таълим олувчининг шахсий ривожланишини лойиҳалаш; шахсий ривожланишни таъминловчи методик усуллар, психологик-таълим бериш таъсир воситаларидан фойдаланиш.

Гигиеник талаблар: ақлий ва жисмоний толиқишдан огоҳлантириш; температура режими; хона ёритилганлиги; мебелларнинг таълим олувчи бўйига мослиги; таълим олувчиларни тўғри ўтказиш; таълим олувчиларнинг ақлий ва жисмоний чарчашларини олдини олиш; таълим олувчиларнинг компьютер техникасидан фойдаланиш нормаларига амал қилиши; физкульт дақиқаларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш.

Техник талаблар: ўқув машғулотининг оптимал темпи ва ритми; ҳар бир босқичнинг яқунланганлиги; ўқув машғулотининг эмоционаллиги; ҳамкорлик, ижодий меҳнат фаоллиги атмосфераси; фаолият турларини алмаштириб туриш; таълим жараёни барча иштирокчиларининг нутқ саводхонлиги.

Машғулотни бошқаришдаги асосий талаблар: ташкилий қисм: навбатчи ҳисоб беради; таълим олувчилар билимини ҳисобга олиш ва назорат қилиш: мавзу бўйича оғзаки, ёзма, фронтал, комбинацияли, зачет каби турли шакллардан фойдаланиш; уларга машғулотнинг мақсадини, унинг ҳар бир босқичини етказиш: машғулот мавзуси ва мақсадини ифода этиш; дастлабки материални баён этишда асосий саволларни ажратиш, ахборотларни самарали тақсимлаш; янги материални бериш маданияти: аниқлик, мантиқийлик, нутқнинг равонлиги, баён этишнинг илмийлиги; таълим олувчиларнинг тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир машғулот қисми учун ўқитиш восита ва методлари материалларини тўғри танлаш: материалнинг замонавий норматив ҳужжатларга мос келиши; янги материални мустаҳкамлаш; уй вазифасининг аниқлиги; таълимий ва тарбиявий вазифаларнинг боғлиқлиги; ўқитиш ва тарбиялашнинг ҳаёт билан алоқаси, машғулотда шахснинг алоҳида ўз-ўзини кўрсатиш, тасдиқлаш шароитини яратиш ҳамда машғулотда ижодий, фаол ишчанлик, қизиқувчанлик муҳитини яратиш.

Машғулотни ишлаб чиқиш. Машғулотга тайёргарлик кўришда педагог, унинг мақсадини, машғулот мазмунини, ўқитиш методларини, машғулот тузилишини аниқлаши лозим. Машғулотнинг мақсади, бу таълим олувчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришда педагогнинг улар билан ҳамкорликдаги фаолиятига эришишни назарда тутувчи натижалардир. Улар таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи бўлиши мумкин. Улар ўзаро чамбарчас боғлиқ. Аниқ шароитлардан келиб чиқиб, уларнинг машғулотларни ташкил этиш ва ўтказишдаги ўрни турлича. Ҳар бир ўқув машғулоти ривожлантирувчи бўлиши лозим. Таълим олиш инсонга қониққанлик ҳиссини, қувонч, унда янги кучни уйғотишга олиб келиши керак. Шундай экан, ўқув машғулоти вақти чегараланган, ундан иқтисод қилиш билан фойдаланиш лозим. Бунга педагог ва таълим олувчиларнинг тайёргарлиги, фанларнинг мавжудлиги, ўқув машғулотининг жиҳозланиши, натижаларни қўлга киритиш билан эришиш мумкин,

Яқунланганлик – бу ўқув машғулотида қўйилган талаблардан бири. Ўқув машғулоти, бу таълим жараёнининг барча асосий элементлари (мазмун, воситалар, методлар, ташкилий дақиқалар) кўрсатилган аниқ вақт рамкаси билан чегараланган яхлит, таълим муҳитининг мантиқий яқунланган қисмидир. Натижа уларнинг ўйлаб чиқилганлиги, ўзаро алоқаси ва самарали фойдаланишига боғлиқ.

Маълумки, ҳар қандай ўқув фани учун ўқув машғулоти тизими дидактик маънода даврийликка эгалиги билан даврийлик характерига эга. Одатда давр, ўқув материалининг, мавзусининг катта маъноли бирлиги билан боғлиқ ҳамда қуйидаги дидактик қисмларга эга: янги материални ўрганиш, мустаҳкамлаш,

ўрганилганларни такрорлаш, билимларни назорат қилиш, вазифаларни ечишда билимларни қўллаш, амалий кўникма ва малакаларни, шахсий-ижтимоий компетенцияларни шакллантириш.

Ўзига хос талаблар: педагог ўқув фанини, ўқитиш методларини эгаллаган ҳамда машғулот тарбияловчи ва ривожлантирувчи бўлиши лозим; ҳар бир машғулотда ривожлантирувчи ишлар олиб борилиши, баён қилинадиган материал илмий, ишончли, тушунарли, ҳаёт билан боғланган ва таълим олувчиларнинг олдинги тажрибасига таяниши керак; ҳар бир машғулотда таълим олувчиларга индивидуал-табақалашган ёндашув ва фанлараро алоқа амалга оширилиши лозим; машғулот жиҳозланган бўлиши лозим (ўқитишнинг техник воситалари, дидактик материаллар (жадвал, харита, иллюстрация, тест, схема, муҳокама алгоритми, дастур, ва ҳк.) билан; барча материал машғулот мантиқи билан боғланган ҳамда таълим олувчининг ривожланиш даражасига мос бўлиши ва машғулотда инновацион жараёнлар амалга оширилиши лозим; компьютерли ўқитишни киритиш муҳим; машғулотда ҳимоя қилувчи режимга қатъий риоя қилиниши лозим: физдақиқа ўтказиш (2-3 дақиқа), мебелларни таълим олувчи ёшига мослиги, дидактик материалларнинг ҳажми ва ранги бўйича мослиги, ўқув юкмасининг таълим олувчи ёшига мослиги, санитар-гигиеник талабларга риоя қилиш; машғулот таълим муассасаси олдида турган асосий вазифаларни ечишга ёрдам бериши лозим: паст ўзлаштирувчи таълим олувчини ҳар томонлама педагог қўллаб-қувватлаши, аномал ривожланувчи таълим олувчига ижтимоий адаптацияга ёрдам бериш.

Машғулотга тайёргарлик кўришда қўйидагиларни эсда сақлаш керак: машғулот мавзуси, машғулот типи, асосий мақсади, вазифалари, барча босқичлари машғулотнинг асосий вазифаларига эришишга ишлаши, ўқитишнинг шакл ва методлари, таълим олувчиларни баҳолаш, машғулотни таҳлил қилиш. Машғулотнинг у ёки бу босқичининг мавжудлиги машғулот типига боғлиқ.

Ўқитиш методлари: тушунтириш, ҳикоя, намойиш, кузатиш, китоб устида ишлаш, ўйин, машқ, амалий-лаборатория ишлари, амалий ишлар, мустақил ишлар, ўқитишнинг техник воситаларини қўллаш, дастурлаштирилган ва муаммоли ўқитиш.

Усул, методнинг бир қисми. Масалан, машқ методидан фойдаланишда қўйидаги усуллар қўлланилади: топшириқ шартли тўғрисида хабар бериш, шартларни ёзиш, топшириқларни бажариш, бажарилган топшириқ натижаларини таҳлил қилиш, топшириқларнинг тўғри бажарилганлигини назорат қилиш.

Машғулотнинг намунавий режаси: машғулот типи: комбинациялашган, машғулот мавзуси, машғулот вазифалари. Машғулотни жиҳозлаш.

1. Ташкилий босқич. Мақсад: машғулот ишларига таълим олувчиларни тайёрлаш. Босқич мазмуни: кўнғироқ чалиниши билан ўз ўрнини топиш, ўзаро саломлашиш, навбатчи ҳисоби, келмаганларни аниқлаш, санани ёзиш, таълим олувчиларни ишга кайфияти, диққатини ташкил этиш, машғулот мавзуси ва мақсадини айтиш.

2. Уй вазифасини текшириш. Мақсад: уй вазифасини тўғри бажарилганлигини текшириш, типик хатоликларни аниқлаш, таълим олувчиларнинг билим даражасини аниқлаш, ўтилган материални такрорлаш, билимлардаги аниқланган камчиликларни текширув пайтида йўқотиш.

Уй вазифасини текширишнинг мумкин бўлган вариантлари: фронтал ва доскага чиқариб индивидуал сўраш, фронтал ёзма сўраш (карточка бўйича доска олдида), индивидуал ёзма сўраш, тўла сўраш (фронтал ва индивидуал, ёзма ва оғзаки), амалий ишлар, дастурли назорат, дафтарларни текшириш, ўқитишнинг техник воситалари.

3. Таълим оловчиларни янги материални ўзлаштиришга тайёрлаш. Мақсад: таълим оловчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш. Ўрганиладиган янги материалнинг мавзуси, мақсади ва вазифалари ҳақида хабар бериш. Янги материални ўрганишнинг амалий аҳамиятини кўрсатиш, янги мавзунини ўрганишга қизиқиш ва диққатни амалга ошириш. Турли усулларда янги тушунча киритилиши мумкин: топишмоқ, ребус, кроссворд, тўртинчиси ортиқча ўйини, луғат ишлари (янги материал билан боғлиқ), муаммоли савол.

4. Янги материал ҳақида хабар бериш. Мақсад: ўрганиладиган вазифа, қоида, ҳодисалар ҳақида аниқ тасаввурлар бериш. Янги материал ҳақида хабар бериш мумкин: педагогнинг ҳикояси кўринишида (илмий, ҳаммабоп, эмоционал, кетма-кетлик, кўргазмалик, луғат ишларини ўтказиш билан, хулосалар билан); кузатиш ва дарслиқдан фойдаланиш йўллари билан, янги материал билан мустақил танишиш; кириш суҳбати (агар таълим оловчида мазкур мавзу бўйича маълумотлар захираси бўлса); суҳбат ва ҳикоянинг алмашиб келиши; ўқитишнинг техник воситаларини қўллаш.

5. Эгалланган билимларни мустаҳкамлаш. Мақсад: янги материал бўйича таълим оловчиларнинг мустақил ишлари учун зарурий билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш, ўхшаш вазиятларда билимларни қўллашга ўргатиш. Фойдаланиладиган методлар: суҳбат, дарслик билан ишлаш, дафтар билан ишлаш, амалий ишлар, дастурлаштирилган топшириқлар, дидактик ўйинлар, ўқитишнинг техник воситалари, жадвал, схема ва тестлар, мустақил ишлар.

6. Яқунлаш. Мақсад: гуруҳ машғулотида қандай ишлаганлиги тўғрисида яқун чиқариш ва хулосалар қилиш, таълим оловчиларнинг ишини қайд этиш, улар машғулотида нима янги нарсаларни билганлигини аниқлаш: хулосалар, ўрганилган материални тушуниш учун саволлар, уй вазифасини ёзиш, таълим оловчилар ишини баҳолаш.

Ўрганилганлик даражасининг кўрсаткичлари қуйидагиларни ўз ичига олади: фарқлаш ёки танишиш даражаси. Ўрганилганликнинг энг паст даражасини характерлайди. Таълим оловчи объект, жараён, ҳодисаларни уларнинг ўхшашлигидан фарқлайди, қачонки уларга бу тайёр ҳолда берилганда. Ёзиш, тушунтириш, ечиш, амалиётда қўллай олмайди. Саволларга бир хил мураккабликдаги жавобларни беради, тўғри жавобни топишга ҳаракат кузатилади; эслаб қолиш. Таълим оловчилар чуқур англамасдан мавзу мазмуни, қоидалари кабиларни гапириб бериши мумкин. Улар фақат репродуктив режадаги, баъзан аниқ бир кетма-кетликдаги саволларга жавоб беради; тушуниш. Таълим оловчилар фақат таърифламасдан, балки тушунтиради, мисоллар келтиради, саволлар моҳиятини тушунади; қўллаш (репродуктив даража). Таълим оловчи оддий топшириқларда назарий билимларни қўллаши мумкин. Оддий кўникмалар уларни қўллаш жараёнида оддий малакаларга ўтиши мумкин; ўтказиш. Таълим оловчи янги ностандарт вазиятда эгаллаган назарий билимларини амалиётда ижодий қўллашни билади.



**ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “ Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон; 30.04.2020 й., 06/20/5987/0521-сон).
2. Г.М.Анорқулова, Олий таълим муассасасида таълим жараёнини ташкил этилишига таъсир этувчи омиллар // “Олий таълими тизими учун педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини таъминлашнинг илмий-услубий асослари” республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т., -2006. – Б. 14-16.
3. М.Т.Ахмедованинг “Олий таълим муассасаларида ўқув машғулотини ташкил этиш технологияси (Тикувчилик ишлаб чиқариш тайёрлов йўналиши мисолида)”. Дисс... пед.фан. номзоди. -Т.: -2011, – 128 б.
4. Байкова И. А., Гребенкина Л.К. Педагогическое мастерство и педагогические технологии. М., -2000.
5. Башмаков М.И., Поздняков С.Н., Резник Н.А. Планирование учителем своей деятельности // Школьные технологии. -2001. № 1. С. 133-140.
6. Бершадский М.Е., Гузеев В.В. Дидактические и психологические основания образовательной технологии. –М.: Центр «Технологический поиск», -2003. – 256 с.
7. У.Ш.Бегимқулов, Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси амалиёти: Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент. -2007. –38 б.
8. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М.: Изд-во Института профессионального образования Министерства образования России, -1995.
9. А.Э.Эрназаров, Олий таълим муассасаларида педагогларнинг ўқув машғулотига тайёргарлиги босқичлари, шакллари, компонентлари ва мезонлари // Соҳибқирон юлдузи. Ижтимоий-татихий, илмий ва оммабоп журнал. – Қарши, 2022. №1. 188–193 б. (13.00.01; № 36).
10. А.Э.Эрназаров, Ўқув машғулотларини ташкил этишнинг замонавий технологиялари // Педагогика ва психологияда инновациялар. – Тошкент, 2021. №5. 204–206 б. (13.00.01; № 15).
11. А.Э.Эрназаров, Муаммоли ўқитиш технологиялари асосида ўқув машғулотлари самарадорлигини ошириш // Та’лим, fan va innovatsiya. – Тошкент, 2016. №1. 86–89 б. (13.00.01; № 18).
12. А.Э.Эрназаров, Узлуксиз таълим тизимида инновацион технологиялар ва уларнинг амалда қўлланилиши. Урганч давлат университети. Илм сарчашмалари журнали. – Урганч, 2021. №8. 89–91 б. (13.00.01; №31).
13. Ernazarov A.E. Methods of modern organization and implementation of training. Novateur publications Journal NX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal ISSN No: 2581 – 4230 VOLUME 6, ISSUE 5, May -2020. Pages: 311-315.
14. Ernazarov A.E. Specific features of training. International Journal on Integrated Education. DOI: <https://doi.org/10.31149/ijie.v3i5.375>. Volume 3, Issue V, May 2020. pp.30-34.
15. Ernazarov A.E. Clarification of the purpose and design of the training sessions. World Scientific News, Scientific Publishing House „DARWIN». WSN 80 (2017) 101-115.
16. Ernazarov A.E. Features of defining goals and objectives in training. Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations. <https://inscience.uz/index.php/socinov/index>. 15 April 2021. 444-448.